


III. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йил январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 228,9 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 114,4 % ни, саноат ишлаб чиқариш индекси эса 110,6 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 13,2 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига қўшган ҳиссаси 10,5 ф.п.), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 25,4 % га (3,4 ф.п.), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 4,1 % га (0,3 ф.п.) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 22,6 % га (0,2 ф.п.) ўсиши ҳисобланади.

Январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби
(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 36,9 трлн.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 16,1 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича чақиқ тош қазиб олиш ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан – 1,2 мартага, газ конденсати – 9,9 % га, табиий газ – 6,1 % га, кўмир қазиб олиш ҳажмининг – 3,4 % га ошганлигини, шу билан бирга шағал – 12,3 % га ва нефть қазиб олиш – 8,2 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да
Нефть	минг. т	746,4	91,8
Газ конденсати	минг. т	2143,6	109,9
Табиий газ	млн. куб. м	59842,2	106,1
Кўмир	минг. т	4174,4	103,4
Шағал	минг. т	401,4	87,7
Чақик тош	минг. т	1191,1	119,8


Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 175,4 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 76,6 % ни ташкил этди.


Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 1,6 % ни (2017 йил январь-декабрь ойларида – 1,9 %), ўрта-юқори технологиялини – 29,7 % (21,7 %), ўрта-қуйи технологиялини – 29,8 % (27,0 %) ва қуйи технологиялини – 38,9 % (49,4 %) ташкил этди.

Январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- Бошқа фаолият турлари
- Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)
- Юқори технологияли
- Ўрта-юқори технологияли
- Ўрта-қуйи технологияли
- Қуйи технологияли

Республика бўйича ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотининг ўсишига ўрта-юқори технологияли ишлаб чиқариш сезиларли ҳисса қўшган ҳолда 9,6 % кўрсаткич билан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 138,8 % ни ташкил етди.

Қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ҳам республика бўйича ўрта ва юқори технологияли ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ошишига имкон берди. 2017 йил январь-декабрга нисбатан йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари: плуглар 64,5 мартага, тракторлар 3,4 мартага, ғалла ўриш комбайнлари 19,4 % га оширилди.

Технологик жиҳозларни капитал таъмирлаш ишлари кимё корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб, калий хлорид (2017 йил январь-декабрга нисбатан 108,6 %), аммоний сулфат (108,6 %), аммоний нитрат (111,1 %), бошқа азотли ўғитлар ва уларнинг аралашмалари (114,2 %), формалдегид (118,3 %), акрил асосли бўёқ ва лаклар (134,5 %), суперфосфатлар (1,8 м.), азот, фосфор ва калийли минерал ўғитлар (2,1 м.) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ошиши таъминланди.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь- декабрь</i>	<i>2017 йил январь- декабрь ойига нисбатан, % да</i>
Енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз)	<i>дона</i>	213285	157,4
«Матиз»	<i>дона</i>	5214	40,1
«Дамас»	<i>дона</i>	34618	153,9
«Нексия»	<i>дона</i>	59343	171,8
«Джентра»	<i>дона</i>	33314	173,8
«Каптива»	<i>дона</i>	4832	106,4
«Спарк»	<i>дона</i>	29092	130,1
«Малибу»	<i>дона</i>	6624	6,9 м.
«Кобальт»	<i>дона</i>	37626	2,1 м.
«Орландо»	<i>дона</i>	433	111,6
«Трекер»	<i>дона</i>	2189	-

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- декабрь	2017 йил январь- декабрь ойига нисбатан, % да
Поршенли двигателларни ишга тушириш учун кўрғошинли аккумуляторлар	минг дона	732,4	107,7
Юк автомобиллари	минг дона	4,2	112,0
Автобуслар	дона	949	89,8
Тракторлар	дона	3393	3,4 м.
Автомобил двигателлари	минг дона	158,8	173,3
Пахта толаси	минг. т	818,4	85,9
Маргарин ва спредлар	т	6878	78,6
Қуюлтирилмаган ва шакар қўшилмаган, ёғлилиги 6%дан юқори сут ва қаймоқ	т	530,7	79,8
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тонна	1465,9	103,1
Узоқ сақланмайдиган бошқа нон маҳсулотлари	т	560,3	106,4
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	т	12650,1	68,5
Пиво	минг литр	187412,7	121,8
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	минг. т	185,1	88,7
Тамаки маҳсулотлари	млн. дона	10397	107,0
Автомобил бензини	минг. т	1146,9	103,7
Дизел ёқилғиси	минг. т	1080,7	112,2
Портландцемент	минг. т	8353,4	98,3
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар	минг. т	14,8	134,5

Шуниси эътиборлики, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида автомобиль бензини ва автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш ҳажми, охириги 5 йилнинг тегишли даврлари мобайнида шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан ошганини таъкидлаш лозим.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 14,5 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,4 % ни) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ва газсимон ёнилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,1 % га ошганлиги кузатилди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2,1 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,9 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таркибида қора металллар бўлган иккиламчи хом ашёни - 25,6 % га, таркибида алюминий бўлган иккиламчи хом ашёни – 1,9 мартага, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматларнинг – 24,9 % га, оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларнинг – 27,7 % га ошганлиги кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь- декабрь ойига нисбатан, % да</i>
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами	228866,2	114,4
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	36870,9	125,4
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш	25726,2	141,1
металл рудаларини қазиб олиш	10017,2	103,4
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари	628,5	112,4
Қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат)	175357,0	113,2
улардан:		

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да</i>
озик-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	30263,6	96,3
тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	31262,4	110,0
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	44697,3	151,5
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	3980,8	103,5
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1357,8	103,0
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	5539,1	103,6
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	18967,9	102,1
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	1705,7	113,1
бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	10731,7	107,6
металлургия саноати	25570,1	105,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	14525,1	104,1
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	2113,1	122,6

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (115,9 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 36,8 % ни ташкил этди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш улуши ва ўсиш суръатлари (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида noonik-ovqat tovarlari ишлаб чиқариш улуши 58,2 % дан 2018 йил январь-декабрь ойларида 68,8 % га ошиши кузатилмоқда.

Кейинги беш йилнинг тегишли даврларидаги noonik-ovqat tovarlarини ишлаб чиқаришни таққослаганда, ушбу кўрсаткичнинг истеъмол товарларининг умумий ҳажмидаги энг катта улуши 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига тўғри келмоқда (2014 йил – 56,2%, 2015 йил – 54,0%, 2016 йил – 51,5%), 2017 йил – 58,2%, 2018 йил – 68,8%).


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да (январь-декабрь ойлари учун)



Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши


Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Андижон (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 155,8 % га), Хоразм (117,3 % га), Сурхондарё (115,7 % га), Тошкент (115,6 % га), Наманган (111,9 % га) вилоятларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари (2018 йил январь-декабрь ойлари учун) (ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Тошкент шаҳри (республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,6 % улушини), Тошкент вилояти (15,3 %), Андижон (11,8 %), Навоий (9,9 %), Қашқадарё (6,2 %), Фарғона (5,6 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Худудларнинг республика жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуши Сурхондарё (1,4 %), Жиззах (1,4 %), Сирдарё (2,2 %), Наманган (2,5 %) ва Хоразм (2,6 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.


**Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари
ишлаб чиқариш ҳажми
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь- декабрь ойига нисбатан, % да</i>
Ўзбекистон				
Республикаси	228866,2	114,4	84329,9	115,9
Қорақалпоғистон Республикаси	10563,1	104,1	1665,7	112,4
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	26950,7	155,8	21323,7	164,8
Бухоро	8520,7	103,0	3797,3	103,8
Жиззах	3276,6	102,1	1719,0	98,4
Қашқадарё	14196,6	105,7	2882,8	102,0
Навоий	22554,2	103,2	2600,2	100,6
Наманган	5743,7	111,9	3817,6	106,0
Самарқанд	11871,3	108,6	7348,3	108,5
Сурхондарё	3222,5	115,7	1245,1	104,1
Сирдарё	4941,7	110,4	1954,1	111,2
Тошкент	35019,6	115,6	7315,6	105,5
Фарғона	12832,5	107,5	4568,1	103,2
Хоразм	5930,9	117,3	3828,2	127,3
Тошкент ш.	42600,9	109,9	19927,5	111,8

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Навоий вилоятида (23343,2 минг сўм), Тошкент шаҳрида (17123,9 минг сўм), Тошкент (12160,0 минг сўм) ва Андижон (8867,7 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (6944,7 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)




Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Андижон (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 153,2 % га), Хоразм (115,4 % га), Тошкент (114,2 %) ва Сурхондарё (113,2 % га) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, Жиззах (100,2%) вилоятида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,2 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 34,7 % ташкил этмоқда.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 72,9 %), Наманган (68,5 %), Жиззах (64,4 %), Сирдарё (52,1 %) ва Самарқанд (51,1 %) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Навоий вилоятида (16,1 %), Тошкент (23,5 %), Андижон (19,8 %), Қашқадарё (21,4 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (18,7 %) кузатилди.

**Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқаришдаги улуши, % да
(2018 йил январь-декабрь ойлари)**



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 714 та лойиҳа бўйича 15,0 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 457,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 1092 та янги иш ўринлари яратилди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан лойиҳалар сони камайишига қарамай, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 1,5 мартага, шу билан бирга уларнинг экспорти ва яратилган иш ўринларини 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан камайганлигини кузатиш мумкин.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

	2017 йил	2018 йил
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	799	714
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	343	297
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	9860,6	14999,4
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	512,4	457,8
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	3018	1092


Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 94,0 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 135,8 % ни ташкил этди.

Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 35,1 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 41,1 % гача ошди

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмини ошишига қўшма корхоналарнинг қўшган ҳиссаси 12,3 % ни ташкил этди, бу иқтисодий ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни имконини берди

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши




Қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналарининг улуши 21,8 %, ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари улуши 78,1 % ни ташкил этди


Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда республикада 56,9 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 13427 корхона (жами фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 23,6%) – Тошкент шаҳрига, 6268 корхона (11,0%) – Фарғона, 6019 корхона (10,6%) – Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик
(2019 йил 1 январь ҳолатига)



Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик
(2018 йил январь-декабрь)



Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида республикада 11,3 мингдан ортиқ янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 51 % Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларига тўғри келади.